



ШАРТНОМАНИ БУЗГАН ЖАРИМА ТЎЛАСИН

Қува тумани ИИБда Раҳмиддин Норқуловни танимаган одам йўқ. У ўз ишини 1984 йилда оддий соқчиликдан бошлаган эди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги туфайли тез фурсатда раҳбарлар назарига тушди.

1987 йилдан эса соқчилик бригадасига бошчилик қила бошлади. У етакчилик қилаётган бригада барча соҳалар бўйича илғорлиқни қўлдан бермай меҳнат қилди.

1990 йилда Раҳмиддин ака маъмурий бошқарув аппаратида хизмат инспектори этиб тайинланди. Илгари битта бригадани бошқарган бўлса, энди қўл остида бешта бригада бор эди. Жорий йилда давлат мулкни талон-торож қилган 40 дан ортиқ шахсни ушлашга муваффақ бўлди. 2 та йирик ўғирликнинг пайи қирқилди.

Бироқ иш қамровининг ошишига қарамай унга тўланаётган иш ҳақи жуда ҳам оздир.

Соқчилик хизматида бундан бошқа ечимини кутаётган муаммолар сероб. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу соҳа хизматчилари ишини ҳам анча мушкуллаштирди. Бу корхона ва ташкилотлар билан тузилади-

ган шартнома қондаларини тубдан қайта ишлаш кераклигини тақозо қилмоқда. Негаки югуриб-елиб унга имзо қўйдирасан-у, энди иш бошланганида: «Иқтисодий қийинчилик туфайли хизматингиздан воз кечамиз», — деган мазмунда нома оласан. Хўш, энди ўша жойга хизмат кўрсатаётган соқчини нима қилиш керак?!

Бу каби мўрт шартномалар остида инсонлар тақдири ётганлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бундай ҳоллар бизнинг Қува туманимизда кўпаймоқда. Бошқа туманларда қандоқ экан, билмадим.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Шартнома тузган тарафларнинг қайси бири мuddатидан аввал уни бузса, 10 минг сўм жарима тўлаши керак. Шунингдек, менимча, соқчилик учун ҳақ олишда қўриқланаётган объектнинг товар қийметидан келиб чиқиш зарур.

Негаки бир миллион сўмлик ва ўн миллион сўмлик қийматли объектни бир хил нархда қўриқлашнинг ўзи кулгили эмасмикан?

Раҳимжон РАҲИМОВ.



СУХ тумани ИИБ балоғатга етмаганлар иши бўйича назорият ходимлари бошқа хизмат милиционерлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: назорият катта инспектори мили-

ция кичик лейтенанти Бобожон Хўжамов ва йўл-патрул хизмати инспектори милиция кичик сержанти Алижон Мирзавалар йўл ҳаракатининг ёш қатнашчилари билан суҳбатлашишмоқда. Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

ҚИСКА САТРЛАРДА

ГИЁҲВАНД УШЛАНДИ

Каттақўрғон шаҳрида милиция ходимларининг олиб борган тезкор ҳаракатлари

натijasида яна бир наркотик модда сотувчи ушланди. Бу шахс Ш. бўлиб, у

500 грамм нашани нақд 1000 сўмга пуллаётган пайтда қўлга тушди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТОВЛАМАЧИ НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

са қилиниб, 70 минг сўмни белгиланган жойга олиб келиши таъкидланган эди. Тезкорлик билан тузилган милиция гуруҳи иш олиб

бориб, товламачининг ниятини пучга чиқарди. Бу кимса 43 ёшли А. бўлиб, у илгари бир неча марта судланганлиги аниқланди.

ЭЛЕКТРОПОЕЗДАГИ БОСҚИНЧИЛАР

«Чиноз—Тошкент» маршрути бўйлаб бораётган электропоезд ҳар галгидек гавжум, у шиддат билан янада олға борарди. Бир

пайт вагонда икки ўспирин қўлларидан пичоқ билан пайдо бўлиши, ўрта яшар йўловчининг олдига яқинлашиши. Ундан пул талаб

қилиниб, ёнидаги 60 сўмини тортиб олишади. Лекин милиция ходимларнинг сезгирликлари туфайли иккиси қўлга олинди.

Қодиржон МУҲАММАДЖОНОВ, милиция майори.

ЧАЙҚОВЧИ БАРҚ УРСА

Ассалому алайкум, ҳурматли тахририят ходимлари! Менинг касбим муҳандислик. Ешим 56 да. Болачақа, уй-жой, иш — ҳаммаси жойида. Бир нарсага ҳайронман: жамиятимизда чайқовчиларга қарши курашадиган қонуни бекор қилинганими? Нега бўлмаса улар сувдаги балиқдай кун кўраётдилар? Сигарета — 5 сўм, ароқ — 30 сўм, кўйлак, туфли ва бошқа нарсалар очикдан очик сотилади. Ҳатто милиция ходимлари ҳам шулар-

дан харид қилишади. Ушланг, ҳаммасининг нисир-чикири, таъминотчилари маълум-ку. Жарима эмас, 5-10 йилга йўқ қилиб юбориш керак, фақат ўзини эмас, таъминлаб турган дўкон мудирини ҳам. Ахир, бу не ҳол? Қачонгача давом этади? Ишхонада бир ойда 2 қути

сигарета беради. Уларда эса қути ва халталари билан топилади. Бу кимнинг шўри? Албатта, чекмасанг уласанми дейиш мумкин. Лекин бу гап — гап эмас. Бизга эмас, нариги томонга насихат қилиш керак, жазолаш керак. Чайқовчи барқ урса, халқ гарқ бўлади.

Турғун ХОЛИҚОВ.

ҚАТТИҚҚЎЛ, ЛЕКИН МЕҲРИБОН РАҲБАР КЕРАК

Ҳурматли тахририят!

Мазкур хатни ёзишга «Постда» рўномасининг шу йил 5 октябрь кунги сонидеги хабарнома туртки бўлди. Унда айтилишича, Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ ҳайъатида «Резервадаги кадрлар ҳисобига Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар идоралари профессионал ядросини шакллантиришнинг бориши ва уни янада яхшилаш чоралари» тўғрисидаги масала кўриб чиқилган.

Мазкур масала ҳозирги пайтда айни долзарб ва муҳим эканлигига тўлиқ қўшиламан.

Охириги йиллар давомида ички ишларда раҳбарлик лавозимларига ходимнинг ишбилармонлиги, назарий билими ва амалий маҳоратига кам эътибор берилиб, қонунчиликдан саводи бўлмаган, сурштирув ва терговни бир-биридан фарқ қилолмайдиганлар тайинлаб келинганлиги жиноятчиликка қарши тенгсиз ва машаққатли кураш олиб бораётган милиция идоралари обрў-эътиборининг янада пасайишига олиб келди.

Бунга Урта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси яққол мисол бўла олади.

Охириги йиллар давомида мазкур бошқарманинг бошлиқлигига Клапушевский, Задорожний, Тришкин каби нўноқ раҳбарлар тайинландилар. Бай-борўдинга ўхшаш, оддий тушунириш хатини ёза олмайдиган «катта оғаларимиз» ўзларининг тўраларча қилиқлари билан маҳаллий шаронда «қандай ишлаш мумкинлигини» ўргатиб келдилар. Уларнинг буйруқбозлиқига таянган ҳолда

иш юртишлари бошқарма раҳбариятини инқирозга олиб келди. Бунинг натijasида 1990 йилнинг ноябрь ойида Темирийўлнинг Самарқанд шохбекатидаги ички ишлар бўлими ходимлари бошқарма бошлиғи Тришкиннинг буйруғини бир овоздан рад этиб, норозилик эълон қилди.

Мана бир неча ой давомида Урта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси бошлиқсиз. Шу сабаб мен ўзимнинг қуйидаги таклифимни киритмоқчиман.

Темирийўл транспортининг кўп тармоқлиги, бир неча туман, вилоят ва жумҳуриятлар ҳудуди билан узвий бошлиқлиги, мураккаб хусусиятларини эътиборга олиб, милиционердан тортиб раҳбарият вакилларидаги қийин аҳволда ишлашларидан хабардор бўлган, яхши назарий билимдан ташқари, транспорт ички ишлар бўлимларида ишлаб келган, ходимларга тўраларча буйруқбозлик ўрнига амалий ёрдам бера оладиган, қаттиққўл, лекин меҳрибон тарбиячи, ишбилармон киши тайинланса.

Бу лавозимга тайин қилинишдан олдин Урта Осиё темирийўлидаги Душанбе, Андижон, Термиз, Кўқон, Бухоро, Қарши, Самарқанд, Ховос, Тошкентдаги «Шинолий» ва «Жанубий» шохбекатлар, Тошкент кўналғасидаги ички ишлар бўлимлари шахсий таркибининг фикри ҳам ўрганиб чиқилса.

Х. УМАРОВ,

Урта Осиё темирийўлининг «Самарқанд» шохбекати ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

ТАН ОЛДИ

Кеч соат 18.40 да Косонсой тумани ички ишлар бўлими навбатчиси туман марказий касалхонасига 68 ёшли Абдухамид ака Шодиевни беш жойидан синган ҳолда, йўлда беҳуш ётган чоғида ўткинчи автомобиль ҳайдовчиси олиб келганлиги тўғрисида хабар олди. Бу ҳақда маълум қилган ҳамшира сўзининг охирида: «Ҳакимлар отани транспорт урган, дейишмоқда»,— деди.

Давлат автомобиль бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Мусахон Оппоқов зудлик билан шифохонага етиб келди.

Қария: — ...Тошқўрғон... мотоцикл... номерд...— деди холос.

Авалло отани бу ерга олиб келган ҳайдовчини топиш лозим эди. Кўп нарса шунда аниқ бўлади. Суриштирув билан топилди ҳам. Биргалашиб Тошқўрғон—Комсомол йўлига келишди. Ота ётган жойда қон уюми ва кўк ранг парчаси топилди.

— Мени икки ёш йигит тўхтати. Улар ўзаро «мотоцикл» дегандай бўлувди. Ҳа, мотоцикл,— деб эслаб қолди ҳайдовчи.

Эндиги асосий иш ўша икки йигитни топиш эди. ДАН ходимлари, милиция лейтенантлари Ж. Муродов, Т. Умаров, сержантлар Т. Қосимов ва Тоҳидмедовлар ишга киришишди. Қидирувни эшитиб ака-ука Тоҳиржон ва Иброҳим Боймирзаевлар Мусахонга учрашишди. Улар:

— Ота йўл ҳаракати қондасига мувофиқ кетаётган эди. Орамизда 200 метрча масофа бор эди. Ёнимиздан «Урал» мотоцикли катта тезликда ўтди. Кейин бирдан чироғи ўчди. Аммо у тўхтамаган эди. Юрагимиз қандайдир нохушлик сезди... Келсак, ота инграб йўлда ётибдилар... атроф қон... ўткинчи машинага чиқариб, шифохонага олиб боришни илтимос қилдик. Яхши одам экан...— дейишди.

— Мотоциклнинг давлат рақамини эслаб қолмадингизми? — Қоронғу эди. Кейин... жуда тез кетди.

ДАНБ ходимлари қидирувни номаълум мотоциклчи кетган «Ленин йўли» қишлоқ Кенгаши ҳудудидан бошлашди. Юзлаб кишилар, мотоцикллар текширилди.

— Иссиғида олиб борилган текширишлар ўз натижасини беради,— дейди Мусахон Оппоқов.— Бешинчи кун шу қишлоқда яшовчи, ўша кун қарияни уриб, оғир тан жароҳати етказиб, ёрдам кўрсатмай қочган, давлат рақами 4664 НАБ бўлган «Урал» мотоциклини бошқарган Қурбонали Орипов аниқланди. У ашёвий далиллар, гувоҳлар кўргазмасидан сўнг содир этган автоҳалокатини тан олди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.



Ҳозирги иқтисодий танглик даврида, пулнинг қадри тушиб бораётган бир пайтда хонадонларда ёки корхоналарда чиққан ёнғиннинг оқибати қанчалик қимматга тушинини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ун минглаб сўм маблағ олов тили билан бирга кўкка учиб кетади. Ёнғин қолдирган асоратларни тугатиш учун эса икки-уч баробар ортиқ сарф-харажат қилишга тўғри келади. Маънавий зарар ҳақида гапириасак ҳам бўлади.

Аммо фалокат оёқ остида, дейдилар. Шунинг учун жойларда давлат ёнғиндан сақлаш назорияти (ДЕСН) ходимлари доимо шай туришлари керак.

Бу борада Эллиқалъа тумани ИИБ ДЕСН олиб бораётган ишларни талаб даражасида деса бўлади.

СУРАТЛАРДА: 1. ДЕСН катта инспектори ички хизмат капитани Худойберган Олимов (чапда), ДЕСН бошлиғи ички хизмат катта лейтенанти Аҳмед Қурбонбоевлар ўт ўчирувчиларга керакли тошшириқларни беришмоқда.

2. Туман пахта тозалаш заводидagi ўт ўчириш асбоблари кўздан кечирилмоқда.

3. Дўстлик шаҳар ИИБ ДЕСН катта инспектори ички хизмат катта лейтенанти Тожибой Эгамбердиев «Фотон» заводи ишчи-ходимлари билан суҳбатлашмоқда.

Саъдулла БОБОЕВ олган сураатлар.

ИБРОҲИМОВЛАР СУЛОЛАСИ

Ғиждувонда Иброҳимовлар оиласини ҳақли равишда «хуқуқшунослар оиласи» деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта.

Мирвафо Иброҳимов 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Полтава шаҳрида жойлашган авиация қисмларида хизмат қилди. ТБ-3 бомбардимончи самолётининг механиги сифатида душманнинг қўналғалари, ҳарбий базалари ва бошқа объектларини йўқотишда қатнашди. Украина ва Шимолий Кавказни немис-фашист босқинчиларидан озод этишда кўрсатган жасоратлари учун бир неча бор жанговар орден ва нишонлар билан тақдирланди.

Уруш халқимизнинг ғалабаси билан тугади. У Полтавадаги учувчи-штурманлар малакасини ошириш полкида яна бир неча ой хизматни давом эттирди.

1945 йилнинг октябрида қадрдон Ғиждувонига қайтди. Мактабда ўқитувчи ва илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. Лекин ота касбини давом эттириш истаги унга асло тинчлик бермади.

1946—47 йилларда Тошкентдаги махсус милиция мактабининг оператив чекистлар тайёрлайдиган бўлимида таҳсил олди. Кейинчалик эса Москвада ССЖИ ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги милиция олий мактабда ўқиди.

Мирвафо Иброҳимов бир неча йил Олот, Вобкент, Томди туманлари ички ишлар бўлиmlарига бошчилик қилди. Бухоро шаҳрида терговчи, вилоят ИИБ БХСС бўлими маси бош инспектори ҳамда Ғиждувон тумани ИИБда бош терговчи вазифаларида ишлаб, жиноятчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшди.

Ички ишлар вазирлигида узоқ йиллар давомида самарали ишлагани учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсати 1966 йил 22 август Фармони билан «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилди.

Мирвафо акадан Ғиждувонда бош терговчи бўлиб ишлаган пайтларида юз берган жиноятлардан бирортаси ҳақида гапириб беришини илтимос қилдим.

— Бу воқеа 1973 йилнинг кўкламида бўлган. Тонгга яқин бўлигимиз навбатчилик қисмига «Кўнча» шўро хўжалигидаги отарлардан бирида бир чўпоннинг жасади топилганлиги тўғрисида хабар келди. Мурда қонга беланиб, устига чакмон ташлаб қўйилган ҳолда ётарди. Уни кўздан кечириб, кимдир машинасида босган деган тахминга келдик. Тиббий-суд экспертизаси ҳам бу фикрни тасдиқлади.

ДАНнинг тажрибали ҳодими Клим Отаев билан биргаликда уч кечаю кундуз жиноятчини изладик. Яқин атрофда жойлашган отарлардаги аҳолидан ўша кун бу ердан қандай машиналар ўтганини суриштирдик. Ниҳоят Ойгул исмли қозоқ қизи кун ботар пайтида «Зил» автомашинасида бир гавдали ва мўйловли ширакайф ҳайдовчи уларнинг уйи ёнида тўхтаб, ароқ сўраганини айтди. Тумандаги барча автокорхона ва ташкилотларнинг шу белгили машиналари қайси йўналиш бўйича юрганини аниқлашга киришдик. Йўл варақаларини текширдик. Корхоналарнинг бирида Тошпўлат исмли ҳайдовчининг ўша шўро хўжалигига юк олиб борганлигини, у ердан қайтгач, касал бўлиб ишга чиқмаётганлигини билдик.

Ростдан ҳам у кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганди.

Ҳовлида эса ювилган зангори «ЗИЛ-130» машинаси турарди. У жиноят изларини, яъни гилдирақлардаги қон изларини йўқотиш мақсадида шу ишни қилганлиги шундоқ ҳам маълум эди.

Ташрифимиздан Тошпўлат талмовсираб қолди.

— Мен ўша кунни туш пайтида юкни тушириб уйга қайтганман. Бу 1 уйдагилар ҳам, қўшнилари ҳам тасдиқлашади,— деди у.

— Гапни кўп айлантирманг,— дедик унга.— Сизнинг машинангизни ўша отар ёнида кўрганлар бор. Жабрланувчи ҳам «мени уриб кетган машина зангори «ЗИЛ» эди,— деб таъкидлаяпти.

— Қанақа жабрланувчи, ахир у ўлган-ку!— деб юборди Тошпўлат беҳосдан. Сўнг эса қовун тушириб қўйганлигини сезиб, ранги бўздек оқариб жимиб қолди. Чунки биз унга чўпоннинг ўлган-ўлмаганлиги ҳақида ҳеч нарса демаган эдик-да.

— Ия, нега энди ўлар экан?— дедик яна атайлаб.— фақат учтами-тўрттами қовурғаси ва бир оёғи синган. Ўша пайтда бироз қон йўқотиб, ҳушидан кетган экан, операциядан яхши чиқди. Ҳозир аҳволи яхши.

Буни эшитиб, Тошпўлатнинг рангига қон югурди. — Ҳайрият,— деди у чуқур хўрсиниб.— Ўлмаган экан, мен эса уни ўлди деб ўйлаб... Очиги, ўша кунни ғирт маст эдим. Қонга беланиб ётганлигини кўриб ўлган деб ўйлаб, устига чакмонни ёпиб, ташлаб қочдим.

Машина текширилганда, унинг гилдирақлари орасидан қоннинг доғлари топилди. Хуллас жиноятчи фош этилиб, қилмишига яраша жазосини олди.

Мирвафо аканинг иш тажрибасидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эндиликда қариллик гаштини сураётган Мирвафо аканинг 6 нафар ўғли хуқуқшуносдир. Унинг ўғиллари ўз оталари билан қанчалик фахрланишади, Мирвафо ака ҳам ўғиллари билан шунчалик фахрланади. Фарзандлари ҳақида юборилган кўплаб раҳматнома ва Фахрий ёрликларни алоҳида сақлаб келади. «Ўғлингизнинг аъло даражадаги тарбияси учун Сизга катта раҳмат»,— деб бошланади улардаги сатрлар.

Олий маълумотли хуқуқшунос Мустафо Навоий шаҳар ИИБга қарашли соқчилик бўлиминининг ҳарбийлаштирилган отрядида бошлиқ муовини, Ҳасан Ногон шаҳар ИИБда оператив ишлар бўйича бошлиқ муовини, Хусайн Қизилтепа шаҳридаги Ўзбекистон агроаноат қурилишининг 3-трестига хуқуқий бўлим бошлиғи, Комил эса вилоят ИИБ кадрлар бўлимида бўлима бошлиғи, Шомил Тўқимачилик тумани ИИБ БХСС бўлими оператив вакили, байналмилалчи-жангчи Шокир вилоят ИИБга қарашли ДАНБнинг йўл-патрул хизмати бўлими маси инспектори дир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оталар ишини ўғиллар, ўғиллар ишини эса набиралар давом эттиришади. Бу анъана Иброҳимовлар сулоласи жасоратининг авлоддан авлодга ўтиб келишини таъминлайди.

Бирини бирига устоз, шогирд бу кишилар ўзаро тажриба алмашиб, сафдош бўлиб — халқ осойишталигини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда жонбозлик кўрсатиб, элу юрт олқишига сазовор бўлишмоқда.

Зикрилла НЕЪМАТОВ, милиция лейтенанти.

«02» ХАБАР БЕРАДИ

МАҚСАДИГА ЭРИШОЛМАДИ

Ҳозирги кунда спиртли ичимликлар анқонинг уруғи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан фойдаланган баъзи бир шахслар мўмай пул топиш мақсадида наркотик моддаларни сотмоқдалар. Уни истеъмол қилувчилар эса соғлиқлари тўғрисида заррача ҳам ўйлаётганлари йўқ. Насл-насабларининг ҳам майиб-мажруҳ бўлишига сабабчи бўлмоқдалар.

Ғиёҳванд моддаларни сақлаш, уни сотиш, ишлаб чиқариш қонун билан таъ-

қиқланади ва бундай шахслар жавобгарликка тортиладилар. Лекин бу қонунни била туриб қалтис ишга қўл урмоқдалар.

«Тошкент-Қўқон» маршрути бўйлаб кетаётган «Икарус» белгили автобус йўловчилар билан лиқ тўла. Албатта, бундай ҳолларда кўпчилик манзилмига тезроқ етиб олсам деган хаёлда бўлади.

Бир пиёла чой ичиб олиш, йўловчиларга бир оз бўлса ҳам ҳордиқ бериш

мақсадида «Андархон» ДАН постида тўхтаган автобуснинг олдида милиция ходимлари диққатини номаълум шахснинг безовталаниши тортиди. Бир неча марта судланган фуқаро Г. нинг ёнидан 6 килограммдан ортиқ кўкжори чиқди. Агар бу шахс ўз мақсадига эришганида яна қанчадан-қанча одамларни заҳарлаган бўларди.

М. ҚОДИРЖОНОВ, милиция майори.



ЖИНОЯТНИНГ КУРТАКЛАРИ

Жамиятнинг ички дунёсига назар солмаганларга кишилар тинчгина ҳаёт кечиришадигандек туюлади. Аслида шундаймикан?

Мен қўйида баён қилаётган ҳодисалар куртакка ўхшайди. Алҳол улар пишиб етилмасин. Акс ҳолда... Жомбой тумани Улғубек номли давлат хўжалигида яшовчи Гофир Маҳрамов «Ғалабанинг 30 йиллиги» давлат хўжалигидаги ишончли қоровуллардан бўлсада, бир қоп «комбикорма» ни гум қилаётганда милиция томонидан ушланди. Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга, деб шунга айтсалар керак. Халқ суди Гофир Маҳрамовни 100 сўм жарима билан сийлади.

Шокир Абровор ҳам «комбикорма» ишқибози экан. У ўзи ишлаётган меҳнат жамоасида тарбияланадиган бўлди. 100 сўмлик жаримадан ҳам қўтилмади.

Пахта заводида ишлаб турган Саодат Суёнова уйга қуруқ қайтишни эп кўрмади. Бир қоп чигит олиб чиқиб кетаётганда қўлга тушди.

Туман жамоа хўжаликларидан бирида ишлаётган бригада бошлиғи Баҳриддин Раҳматов ичиб олиб, турмуш ўртоғини оғзига келган гап билан ҳақоратлади. Безорилиги учун 50 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

Охунбобев номли жамоа хўжалигининг ҳайдовчиси Кўчқор Қурбонов қўшнисини қаттиқ ҳақорат қилгани учун маъмурий ҳуқуқбузарлик мажмуасининг 42-моддаси билан оғоҳлантирилди.

Темир-бетон заводи ишчиси Эркин Хўрозов маст ҳолда милиция ходимларини ҳақоратлади. Маъмурий тартибда икки ойга ахлоқ тазатиш ишига жалб этилди.

Тирик жон борки, бу ёруғ жаҳонда ганимат. Ишқилиб одамлардан инсоф, диёнат, бир-бирига бўлган оқибат йўқолмасин.

НИШОН МЕЛИЕВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

ИЧКИ ишлар бўлимларидаги навбатчилик қисмлари ходимлари содир этилаётган жиноятлар ҳақида биринчи бўлиб оғоҳ бўладилар. Теълик билан оператив гуруҳ аъзоларининг оёққа туриши ва жиноятнинг очилишида уларнинг ҳиссаси каттадир.

СУРАТДА: Сирдарё шаҳар ва туман ИИБ навбатчиси, милиция катта лейтенанти Жалолиддин Шамсиев. У 3 йилдан бери навбатчилик қисмида фаол ишлаяпти. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ҲАҚИҚИЙ ИСМИ АНИҚЛАНДИ

19 сентябрь куни Урта Чирчиқ тумани ИИБга бир аёл қўнғироқ қилди. Бўлим бошлиғи милиция подполковниги А. Йўлборисов раҳбарлигидаги оператив гуруҳ воқеа жойига келди. Шип-шийдам қилинган хонадон синчиклаб кўздан кечирилди. Гуруҳ ходимлари зудлик билан ишга киришдилар.

Гумон билан бўлимга келтирилган шахс ўзини Володя Ким деб таништирди. Бироқ у ҳақда олинган ҳужжатлар милиционерлар қаршисида Владимир Ан турганлигини кўрсатарди. Дастлабки тергов натижаларидан маълум бўлдики, ҳақиқатан у Владимир Ан бўлиб, 1990 йилдан бери 20 дан ортиқ содир этган турли жиноятлари учун қидирилаётган экан. Тергов давомида унга тегишли бўлган 16 калибрли қирқма милтиқ, 37 дона ўқ, қўлда тайёрланган тўппонча, 30,7 грамм марихуана топилди.

Ким — Ан Владимир устидан олиб борилган тергов ишлари якунига етай деб қолди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ушбу жиноятчини қўлга олишда хушёрлик ва билимдонлик кўрсатган бир гуруҳ туман ИИБ ходимларини рағбатлантирди.

М. МИРСОВУРОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

ШУ КУННИНГ БОШ МАСАЛАСИ

Маълумки, жойларда ҳуқуқ-тартиботнинг яхши йўлга қўйилиши, қонунийликка амал қилиниши кўп жиҳатдан милиция ходимларининг меҳнатларига боғлиқ. Буни ҳар дақиқада ҳис қилиш мумкин. Милиция ходимларига яшаш, меҳнат шароитлари яратиб берилса, тартиб ўрнатиш ишлари янада яхшиланади. Бу ҳаётий эҳтиёж «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишига олиб келди. Шу муносабат билан жойларда семинар-кенгашлар ўтказилди. Уларда қонуннинг ҳаётга татбиқ этиш борасидаги муаммолар таҳлил қилинди.



Кўҳна ва навқирон Хива шаҳрида ўтказилган жумҳурият зонал семинар-кенгашида қўшни Қорақалпоғистон Жумҳурияти ва Бухоро вилояти ички ишлар идоралари шахсий тартибни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва тарбиялаш бўйича ИИБ бошлиқ ўринбосарлари иштирок этдилар. Семинар-кенгашда жумҳурият ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги М. П. Иванов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон жумҳурияти ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Н. Васильев, Амударё тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори У. Камолов, Бухоро вилояти ИИБ бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция капитани М. Муҳсинов, Нукус шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори О. Оллоёров, Урганч шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Р. Абдужабборов, Хива шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори К. Худойбергенов ва бошқалар сўзга чиқиб, қабул қилинган қонуннинг ҳаётга татбиқ этиш шу куннинг бош масаласи эканлигини таъкидладилар.



Семинар-кенгаш қатнашчилари Хива шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилдилар.

М. НАВРУЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи йўриқчиси.
Суратларда: семинар-кенгашдан лавҳалар.
Суратларни С. БОБОЕВ олган.



ОХУНБОВОЕВ номли давлат хўжалиги ҳудудидagi қишлоқлар аҳолиси Бахтиёр Мустановни ҳурматлаб, ўзларига яқин олишиб, Бахтиёр милиция деб аташади. Албатта, бу ҳурматга Бахтиёр ўз-ўзидан эришгани йўқ. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, одамлар қалбига йўл топа билиши туфайли кўпчилик эътиборини қозонди.

— Ешлигимдан милиция ходими бўлишга, жиноятчиларга қарши курашишга қизиқардим, — дейди Б. Мустанов. — Бу қизиқиш, интилиш менга сира тинчлик бермади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Ғузор тумани ички ишлар бўлимига келиб учрадим ва бу ердан зарур маслаҳатлар олиб, ҳужжатларимни топширдим. Даст-

УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРД

лаб Шўртанда комендатура навбатчисига ёрдамчи бўлиб ишлаб бошладим. Йиллар ўтган сари милиция ҳаёти билан чуқурроқ танишиб, унинг паст-баландини ўзлаштириб олаётган Б. Мустанов ўзининг билимини оширишга ҳам интилди. Шу орада Қарши давлат ўқитувчилар олий илмгоҳининг тарих куллийтини сирдан тамомлади. Албатта, бу даврда унинг унвонлари ҳам ошиб, турли жойларда ишлади.

1990 йил май ойида милиция капитани Б. Мустанов Ғузор туманида участка вакили вазифасида иш бошлади. Унга Охунбобоев ном-

ли давлат хўжалиги меҳнаткашларининг осойишталигини таъминлаш топширилди. — Участка вакили вазифасининг ўзига хос ташвишлари бор экан, — дейди Бахтиёр. — Дастлаб анча қийналдим. Ишни ўзлаштириб олишимга раҳматли Урол ака Раҳимов анча кўмаклашди. Мен уни ўзининг устозим деб биламан. Бахтиёр доимо одамлар ичда бўлишга, раҳбарлар, фаоллар билан ҳамкорликда ишлашга интилади. Кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришда хўжалик фаолларининг кўмагига суянади. Бундай изланиш, интилишлар ўз са-

марасини берапти. Участқада ҳар хил жиноятларнинг сони кескин камайди. Юз берган жиноятлар ҳам ўз вақтида очилмоқда. Масалан, шу йил 17 октябрда Қўштепа қишлоғидаги Хурсанд Вазорованин уйда ўғирлик юз берди. Тезда туман ички ишлар бўлими ЖҚБ катта опервакили милиция капитани Зокир Уринов, опервакил милиция лейтенанти Турди Номозов ва участка вакили Бахтиёр Мустановдан иборат махсус гуруҳ тузилди. Уй эгалари билан обдон суҳбат ўтказиб, гумон қилинган шахсларни текшириш бошланди. Айбдор икки кун ичда то-

пилди. У қўшни ҳовлига тўйга келган отарчи-ўйинчи Санобар Ашурова экан. Унинг уйдан ўғирланган нарсаларнинг барчаси топилди.

Бундай кўнгилсиз воқеалар участка вакилининг хизмат фаолиятида учраб туради.

Б. Мустанов бир вақтлар ишни оддий милиционерликдан, шогирдликдан бошлаганди. Энди у катта участка вакили. Унинг зиммасига 5 та участка вакилига раҳбарлик қилиш ҳам юкланган. Гани Бароқов, Шербой Рўзиқулов, Нормўмин Нурхоновлар уни ўзларига устоз деб биладилар.

Хизматингиз тинч, осойишта ўтишини тилаймиз. Бахтиёр милиция!

Б. ҲАСАНОВ,
Ғузор тумани.

МУНОСАБАТ

НАМАНГАН КИМНИНГ ШАҲРИ?

Эски дарди-бало хуружидан фориғ бўлиш баҳонасида Наманган тузидан татиб кўриш менга ҳам nasib этган экан. Бир кўрган афзал деган нақл қанчалик ҳақлиги қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. Наманган аҳлининг ширинсуханлиги, одамши-навандалиги ва меҳмондўстлигидан бениҳоя ҳайратга тушдим.

Бироқ «Наманган ҳақиқати» рўзномаси саҳифаларини varaқлайтиб, «Қачонгача Алини Вали деймиз?» мақоласини ўқидим-у, дилимга ранж андаккина соя ташлагандай бўлди. Вилоят рўзномаси том маънода фикри теран, миллат дардини ярим оғиз сўздан англайдиган кишиларнинг нуфузли минбаридир. Унинг саҳифаси орқали рўзномасеварларга қарата айтилган сўз қадрининг нечоғлик баландлигини такрорлаб ўтишга ҳожат бўлмас керак. Шунинг учун юқоридаги мақолага муносабатимни билдирмасдан туролмадим.

Мақола муаллифи Салоҳ Қориев мулоҳазалари юзаки қараганда ўринлидир. Она шаҳрининг бир фидойиси фигони фалакка чиққани учун бор ҳасратларини тўкиб солганга ўхшайди. Ахир, гап шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида жойларни номлаш ҳақида боряпти. Қизиқиб ўқишга киришдим. «Намангандаги ўзбекка алоқаси бўлмаган номларнинг қўстаги қоқилибди-да», — дедим ўзимча.

Афсуски, менга ҳурматли оқсоқол мақолада наманганча лутф, одобдан хиёл чекингандай туюлди. Мақолани ўқиганим сари дастлабки таассурот ўрнини гашлик эгаллади. Гуржистонда қизиқ одат бор экан. Миллий маданият тарихига оид тақани бахмалга ўраб, кўзга тўтиёдек суртишади. Салоҳ Қориев эса номланишдаги хатоликларни кўрсатиш учун «галати» далилларга мурожаат этибди. Қўқонлик Ҳамзадек улуг санъаткорни ерга уришдан, унинг номи билан Наманганда маҳалла, кўча, ўқитувчилар олий билимгоҳи аталгани учун на돗ат чекишдан бошлабди. Қандай номуносиб киши номи ҳурмат қилинаётганини кўрсатиш мақсадида баъзи бир давволарни келтиради. Қарангки, Ҳамза отасининг топшириғи билан Наманганга тўн сотгани келганмиш (шоирнинг отаси тўнфуруш эканлиги ҳақидаги маълумотни қаердан олишган экан, билмадим), кўчада қолиб кетгани учун муаллифнинг дўқондор буваси уни кечки пайт уйига олиб кирган (зинҳор таклиф этганмас — Г. В.) эмиш.

Кейин Салоҳ Қориевнинг назари номи Наманган билан боғланаётган иккинчи «чет элик»ка тушибди. У Бобур номи билан аталган жойларни тилга олиб, ўзича ҳақли савол берибди: «Хўш, Наманган шаҳрининг Бобурга нима алоқаси бор?» Ҳатто ўзи босиб олган юртларда ҳам иззат-икром топган ва ўзбекининг номини шуҳрат чўққисига кўтарган Бобур Намангандан атиги 15-20 қақирим нарида туғилган

экан. Агар унинг падари бузруквори Умаршайх 1991 йилга келиб бу муҳим аҳамият касб этишини олдиндан башорат қилганида эди, балким тўлғоқ азобидаги аёлини Ахсикентдан Наманганга жўнатармиди? Минг бора шукрки, аждодларимизда Ватан тушунчаси кенгроқ бўлган.

Салоҳ Қориев ўзи кашф этган антиқа мантиқ асосида у ёки бу жойнинг нега шундай номланганини астойдил тафтишдан ўтказибди. Гоҳ унга Ахсикент боғи ёқмайди, гоҳ Совет Иттифоқи Қаҳрамони Соли Адашев номи билан аталган кўча ўтиришмайди. Билмадим, Наманганда Алишер Навоийни эслатиб турадиган жой бормикан? Назаримда бундан Салоҳ Қориев ҳам беҳабарлар. Акс ҳолда ҳазратнинг пойқадамлари Наманган шаҳри тупроғига тегмаганлигини рўқач қилиб, унинг номини ҳам шаҳардан бадарга этилиши ҳақида оғиз очишармиди? У кишига асос бор. Ҳеч қайси тарихий манбааларда Навоий бу тарафларга ташриф буюргани ҳақида маълумот йўқ.

Энди менда ҳам қатор саволлар туғилди. Хўш, Наманган кимнинг шаҳри? У ўзбек диёридаги бир бебаҳо дурдонами ёки мустақил давлатми? Миллатимизнинг номини улуғлаган буюк ижодкорлар Наманганда туғилмагани учун бу шаҳарга бегонами?

Худого минг қатла шукрим, Наманганликларнинг мутлоқ кўпчилиги бундай фикр юритишмас экан. Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятлари ва туманларида ҳам. Шунинг учун наманганлик исёнкор ва жаҳонгашта Бобораҳим Машраб номи билан боғлар, мактаблар, кўчалар аталаётгани ҳамма ерда учратиш мумкин.

Ҳозир бутун жумҳуриятда унинг таваллудини нишонлаш мақсадида қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳурматли Салоҳ Қориев Ҳамза ундай, Бобур бундай деб айирмачилик қилишгандан кўра атоқли ҳамшаҳари руҳини шодумон айланиш учун бир жаннатмакон боғ яратиш ташаббуси билан чиқшганда эди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган ёшига муносиб эзгу иш бўларди.

Рўзнома таҳририятига ҳам айрим эътирозларим бор. «Қачонгача Алини Вали деймиз?» деган сарлавҳани улуг сиймолар руҳига, юмшоқ қилиб айтганда, ҳурматсизлик деб биламан. Кейин рўзнома мақолага ўз муносабатини билдириши лозим эди. Ҳозир «Наманган ҳақиқати»нинг ижодий жамоаси Салоҳ Қориев фикрларига қўшиляётгандек туюлмоқда-ку.

Бугун мустақиллик йўлида тетапоё қилаётган пайтимизда маҳаллийчилик миллат ва Ватан дарахтини кемирадиган кўрт эканлигини ёдда тутишимиз лозим.

Ғайратжон БОЛТАБОЕВ,
ССЖИ журналистлар уюшмаси аъзоси.



СУРАТДА: (чапдан) Коммунистик тумани ИИБ капитани Рустам Эгамбердиевлар қонунбузар участка вакили милиция капитани Суниат Камолов, участка вакили милиция катта лейтенанти Латиф Шеров ва катта участка вакили милиция

Суратнаш Ҳ. ШОДИЕВ.

ЯНГИ КИТОБ

К.ТОЖИЕВ
ЙЎЛ
ҲОДИСАЛАРИДА
БОЛАЛАР
ШИКАСТЛАНИШИНИНГ
ОЛДИНИ
ОЛИШ



Яқинда «Меҳнат» нашриёти томонидан милиция ходими Комил Тожиевнинг «Йўл ҳодисаларида болалар шикастланишининг олдини олиш» деб номланган мактаб ўқитувчилари ва боғча тарбиячилари учун мўлжалланган методик қўлланмаси босмадан чиқарилди.

Қўлланмада болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, мактабларда ва боғчаларда йўлда юриш маданияти, йўл ҳаракати қондаларини ўргатишнинг усули ва шакллари содда, раво тилда ифода этилади. Йўлда шикастланишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил этиш, ўқитиш дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича методик тавсияларга кенг ўрин берилган.

Қўлланма бевосита болалар билан боғлиқ бўлган йўл ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз ҳамда чет эллар тажрибасини умумлаштириш асосида ёзилган бўлиб, ўқитувчилар, болалар боғчаларининг методистлари, тарбиячилари, ота-оналар ҳамда ДАН ходимлари учун мўлжалланган.

«РАҲМАТ, ҚИЗЧА!»

Чўлибой қишлоғида дув-дув гап. Абдурасул отанинг хўқизини ўғирлашибди...

Бу гап туман ички ишлар бўлимига ҳам бориб етди. Милиция капитани Муслим Муродов Чўлибой қишлоғи томон йўл олди.

...Абдурасул отанинг ёши етмиш бешда. Умри чўпонликда ўтган. Фарзандларини ақлли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаб келаяпти. Энг кенжаси Ихтиёрбой армия сафида хизматда. Унинг келишига атаб хўқиз боқаётганди.

Эрта тонгда молхонага кириб, хўқизининг арқони кесилганини кўриб донг қотди. Ўзига келгач, кампири Ҳадича холани чақириб, ўғирликдан огоҳ этди.

...— Арқон уроқда кесилган,— деди ўйчан Муслим Муродов ва қўшиб қўйди,— молхонага ҳеч ким кирмасин!

Катта йўлга чиқди. Қўлини кўтариши билан келатган «Москвич» йкки-уч метрлар ўтиб тўхтади. Участка вакили ўзини таништириб, ҳайдовчининг манзили ҳақида суриштирди. Йигит Чўлибой қишлоғига меҳмонга келганини билдиргач, М. Муродов узра сўраб унга рухсат берди.

Эртаси эрталаб яна ўша машинага кўзи тушди. Тўхтатмоқчи эди, улгурмади. Машинани йўлма-йўл кузатиб борди. Қўшни Қорабой қишлоғидан экан. Балки ўри шу машина эгасидир. Ҳар ҳолда далил-асоссиз бир нарса, деб бўлмади.

Муслим Муродов адашмаганди. Ҳақиқатдан ҳам қорабойлик Ботирбой Абдурасул отанинг молини ўғирлаган экан. Сир қандай очилди?

Участка вакили одамлар билан суҳбатлашиб юрганида ўн яшарлар атрофидаги бир қизча унинг диққатини тортди. Қизчанинг маъноли қарашларидан нимадир демоқчилигини англаса бўларди. Секингина четга имлади.

— Хўш, нима демоқчисан?

— Сиз ўғрини қидириясиз-а? — саволга савол билан жавоб қилди қизча.

— Ҳа.
— Мен уни биламан.
— Шунақами? Қани эшитайликчи?

— Ботир қўшнимиз кеча қаердан хўқиз ўғирлабди. Эртага тўйга олиб борса керак.

— Сен қаердан биласан?

— Ҳа, майли, борақол.

«Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига қулоқ сол», — дейдилар. Ҳар ҳолда текшириб кўриш керак». Шу хаёллар билан участка вакили Абдурасул отаникига йўл олди. Ҳаммасини айтгач, биргалашиб орқага қайтдилар.

Ботирбойнинг дарвозасини тақиллатишди. Сал ўтмай дарвоза тирқишидан уй эгасининг юзи кўринди.

— Ассалому алайкум, Ботирбой!

— Ваалайкум ассалом. Келинлар, хизмат?

Мезбон уларни ичкарига таклиф қилди.

Муслим Муродов вақтини бой бермай хўқизни сўради.

— Қанақа хўқиз? Тусунмадим...

— Отахон юринг, молхонага кирамиз.

М. Муродов шундай дея молхона томон юзланди.

Ҳақиқатдан ҳам отанинг хўқизи Ботирбойникида «меҳмон»да эди...

— Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтадилар, Ботирбой. Кетдик энди милицияга. Қолганларини ўша ерда гапириб берасиз.

Муродов ота билан хайрлашиб, Ботирбойни бўлимга олиб кетди...

— Ўртоқ бошлиқ, рухсат этинг!

— Гапиринг, капитан!

— Хўқиз топилди. Ўғрини ўзим билан бирга олиб келдим.

Муродов бўлимдан хурсанд ҳолда чиқди. Ана энди мириқиб дам олса бўлади. Кейин қизчагаям раҳмат айтиш керак...

Илҳом ЮНУСОВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Жумҳурият ички ишлар идоралари томонидан 1973 йилда туғилган Рустам Абдураевич Ташпўлатов қидирилмоқда. У бор.

Шу йилнинг июль ойида Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги Подачи қишлоғида бўлган фуқаролардан бу ҳақ-жойлашган уйдан Тошкентга бориш мақсадида чиқиб кетган. Шундан бери дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 170-172 см., сочи қора, устида оқ кўйлак, тўқ кулранг шим, оёғида шиппак бор эди. Пешонасида юмалоқ кўринишда чандик

Рустам Ташпўлатов ҳақидаги бирон-бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимларига «02» рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Узбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлини — 59-26-56, умумий бўлини — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилади.